ISSN: 2181-1741 (print)
ISNN: 2181-1725 (online)
2024 / № 4

FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL
ADABIYOT
TA'LIM



Philological research:
LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

Филологические исследования:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

pholologicalresearch.uz

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 4

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 26.04.2024
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV, iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Shoira Amonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Kurbanazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 26.04.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)

Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)

Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)

Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)

Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)

Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)

Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)

Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)

Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Шоира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Зайнура Кадирова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 26.04.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Shoira Amonturdieva, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

YERJANOVA SAULE BAYMURZAYEVNA,
TO‘YCHIYEVA ZULEYXA HAMROQO‘LOVNA
Mahmud Koshg‘ariyning “Devonu lug‘otit turk”
asarida so‘zlarni ko‘chma ma’noda qo‘llash 7

BERDIYEV XUSAN XOLNAZAROVICH
«Devon-u lug‘otit turk»dagi she’rlarda
hojib va radif san’atlari 13

УМУРҚУЛОВ ЗАФАР БЕКПЎЛАТОВИЧ
Қиёслаш инсон тафаккур тарзининг маҳсули 16

ESHBOYEV QAHRAMON BAKIR O‘G‘LI
So‘zlararo darajalanish o‘quv lug‘atida so‘zlarga izoh berish 20

NAVRUZOVA MUYASSAR GAYBULLAYEVNA
Kasallik nomlarining onomasiologik, semantik ifodasi 24

BOZOROV HAMID XO‘SHMURODOVICH
Antroponimlarning lingvomadaniy xususiyatlari
(O‘zbek xalq ertaklarida mavjud antroponimlar misolida) 28

ДЖАББАРОВА ШОИРА БАЛТАЕВНА
Медиа тилида муқобилсиз лексика таснифлари: назарий ёндашув 33

KULTAYEVA FAZILAT BAXTIYAROVNA
Ergonimlarning morfologik derivatsiyasi xususida 36

HAYDAROVA KAMOLA DAVRANOVNA
O‘zbek, rus va ingliz tillarida meva nomlarining qiyosiy-chog‘ishtirma tahlili 39

TERMIROVA KAMOLA
Ziravor atamalar va ularning lug‘atlarda ifodalanishi 43

TURDIMURODOV SIROJIDIN ESHQOBILOVICH,
JABBOROVA SEVARA BAXTIYOR QIZI
Badiiy matnda evfemik birliklar tahlili 50

SOATOVA YULDUZ
Bobur she’riyatida ayol qaddi-qomatini ifoda etuvchi lingvistik vositalar 53

ТОЛИЕВА ШОИРА ИЛХОМОВНА
Лингвистик экспертиза методларининг тамойиллари 57

AVRIDDINOV JOBIR MUSULMON O‘G‘LI
Sharq olimlarning «Zufongo‘yo va Jahonpo‘yo» lug‘atida ilmiy qarashlari 59

ДАВЛЯТОВА ЭЛЬВИРА МУРАДОВНА
Парадигматические свойства иноязычных лексических единиц
в русском и узбекском языках (на материале интернет медиа) 61

МУНДАРИЖА

ЗАРИПОВА МАТЛУБА КУЛФИДИНОВНА
Концепт «богатство» во фразеологизмах
и паремиях узбекского и русского языков 64

РАДЖАПОВА НАТАЛЬЯ БАЗАРОВНА
Эволюция лексических единиц обозначающих мужчин и женщин 67

QULMAMATOVA MUATTAR OTABEK QIZI
Ingliz va o‘zbek maqollarida “boylik” konseptining chog‘ishtirma tadqiqi 70

FARZANA NABI,
ABDULLA XUDAYQULOV ESHQUVVATOVICH
Official documents in dari language, its translation challenges 73

ЖАББАРОВА НАРГИЗА ИСЛАМЖАНОВНА,
РАДЖАПОВА НАТАЛЬЯ БАЗАРОВНА
Влияние гендерной лексики на сознание и поведение людей 76

ADABIYOTSHUNOSLIK

ARSLONOV ABDIMUROD KARAMATOVICH
“Qissasi Rabg‘uziy”da xalq og‘zaki ijodi syujetlari va motivlari 80

КАЗАКОВА ГУЛАСАЛ КУРАЛОВНА
Эссе жанрида шахс концепциясининг бадиий-публицистик талқини 82

LOLAYEV SHUXRAT ALIQOBIL O‘G‘LI
Turkistonda “Usuli jadid” maktablarining shakllanishi va ahamiyati 84

USMONOVA MOHIDIL LAZIZ QIZI
Ravnaq g‘azallari tabdilidagi matniy tafovutlar 87

TA’LIM

ABDUQAYUMOVA NARGIZA RAIMOVNA
Bo‘lajak rus-tili o‘qituvchilarni innovatsion pedagogik faoliyatga
tayyorlash jarayonlarini takomillashtirish metodikasi 90

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 4
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ҚИЁСЛАШ ИНСОН ТАФАККУР ТАРЗИНИНГ МАҲСУЛИ

Умурқулов Зафар Бекпўлатович,
Термиз давлат университети доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Қиёслаш инсон тафаккур тарзининг маҳсули бўлиб, олам манзарасини англаш ва уни тил орқали ифодалашнинг ноанъанавий усулларидан биридир. Шунга кўра қиёслашнинг билиш жараёнидаги ўрни фанда ўз баҳосини топган. У инсон когнитив фаолиятининг маҳсули сифатида талқин қилиниб келинмоқда. Қиёслаш идрок ва тасаввур қилинган билимларнинг умумлашмаси сифатида майдонга келади ва инсондан олам манзарасини ҳис этиш, ундаги нарса-ҳодисаларни турларга ажратиш, хусусиятларини англаш каби таснифловчи характердаги билимларни талаб қилади. Таснифлаш нафақат предмет, нарса-ҳодисанинг шакли, ҳажми ва таснифловчи жиҳатлари билан, балки уларнинг ментал образлари (ички хусусиятлари, инсон тасаввуридаги жиҳатлари) асосида ҳам амалга оширилади. Шунинг учун ҳам қиёслаш инсон онгли фаолиятининг, тафаккур оламининг, дунёни англашдаги когнитив фаолиятининг натижаси бўлиб, инсон томонидан ўзини англаш, атроф-муҳитдаги турли-туман нарса-ҳодисаларни билиш, уларни фарқлаш ва ўхшаш хусусияти орасидаги муҳим белгиларни аниқлаш каби мураккаб жараённинг маҳсулидир. Бу жараёндаги муҳим факторлардан бири нарса-ҳодисаларнинг умумий ва фарқли белгиларини, бир предметдаги белгини бошқа предметдаги белгига мос келиши ёки мос келмаслигини аниқлашдир. Ана шу фаолият асосида инсон оламни англаш ва уни ифодалашнинг муҳим усули қиёслаш ҳодисасининг пайдо бўлишига эришган. Қиёслаш адресантнинг олам манзараси ҳақида кўрган, кузатган ва тасаввур этилган билимларини адресатга аниқ, далилли етказишнинг бир усули. Қиёслаш инсон ҳаётидаги оддий жараён эмас, балки инсон фаолиятининг юқори чўққиси бўлиб, сезгилар фаоллиги, кузатувлар самарадорлиги натижасидир. Антропоцентризм ғояларига кўра инсон томонидан нарсаларнинг турли жиҳатларини: бўйи, ҳажми, шакли ва бошқаларни фарқланиши, уларни, сўзлар орқали ифодаланиши олам ва одам бирлигининг муҳим асоси ҳисобланади. Тилшунос Л.А.Нагорная инсонни олам манзарасини тўла-тўкис англаши ва уни тил орқали баён этиши масаласини ўрганиш когнитив лингвистиканинг муҳим масалаларидан бири эканлигини эътироф этади[1]. Маълумки, оламни англаш, уни мавжудлигидек тил орқали ифодалаш инсоннинг тафаккури, идрокий билишнинг натижаси сифатида кузатишлар, қиёслашлар асосида намоён бўлади. Олам манзараси инсоннинг онгида, шу жумладан, ўзининг ҳам шаклланиши, шахс сифатида камол топиши учун муҳимдир.

Инсон оламни мавжудлигини, кузатган ҳар бир нарсани моҳиятини англашга, уни номлашга интилади. Дунёни билиш эса уни изоҳлаш, таъриф ва тавсифлашга олиб келади. Бу жараёнда инсон янги билимларга эга бўлади, ўз билганлари ҳақида ахборот етказиш эъҳтиёжлари туғулади. Фикрлаш билан боғлиқ бўлган ҳиссиёт бевосита тилга ва ундан фойдаланишга олиб келади. Кўринадики, тил инсон томонидан онгли эҳтиёж натижаси ўлароқ яратилади ва ўз оламини, ҳис-туйғуларни, маданий анъаналарини ўзига хос лисоний воситалар асосида ёритиб бериш учун имкон яратади. Англанган оламни, ўзлаштирилган билимларни тавсифлаш ва баён этиш инсоннинг ўзини англашида муҳим омилдир. Бу ҳолат ҳаётнинг мазмунини ташкил этган мулоқот жараёнининг вужудга келишига олиб келган. Проф. Ш.Маҳмараимова инсон ва тилнинг узвийлиги ҳақида фикр юритар экан шундай ёзади: "Оламнинг манзараси инсон дунёқарашининг ядросини ташкил этиб, унинг турмуш тарзининг асосий ва ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттиради. Шу ўринда, тил дунё тасвири билан боғлиқ иккита жараёнда бевосита иштирок этади. Биринчидан, индивиддаги олам тасвирининг энг чуқур қатламларидан бўлган оламнинг лисоний тасвирини айнан тил доирасида шаклланади. Иккинчидан, тил инсон онгида мавжуд бўлган оламнинг барча тасвирларини рўёбга чиқаради ҳамда тушуниш (талқин қилиш)га ёрдам беради"[2].

[1] Нагорная Л.А. Антропоцентрические измерения и способы их репрезентации в английском языке. Вестник Томский государственны педагогический университет, 2005. Выпуск 4 (48). – С. 36.

[2] Маҳмараимова Ш. Лингвокультурология. – Тошкент: Чўлпон нашриёти, 2017. – Б. 56.

Олам манзарасини ҳис этиш, ундаги мавжудликка хос хусусиятларни англаш, инсон учун янги билимларни эгаллаш, кашфиётлар қилишга олиб келади. Шубҳасизки, инсон томонидан амалга оширилган кашфиётлардан энг муҳими олам манзарасини лингвистик талқинидир. Маълумки, тилда ўз аксини топмаган нарса инсон учун мавжуд бўлмаган, англанмаган ноаниқликдир. Тил барча мавжудликни ифодалаш орқали инсоннинг олам ҳақидаги билимларини кенгайтириб боради. Тил ёрдамида онг кишининг ўзи ва бошқалар учун воқеликка айланади[1]. Олам манзарасини ифодалашнинг турли усуллари, жумладан, вербал ва новербал усуллари ҳам инсон томонидан кашф этилган. Тил воситалари орқали олам манзарасини ифодалашда, унинг моҳиятини акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилган ва бу жараёнда тафаккур муҳим рол ўйнайди. Тафаккр инсоннинг ақлий фаолиятининг юксак шакли бўлиб, атрофдаги оламни билиш қуролидир[2]. Инсоннинг онгли равишдаги идроки туфайли олам манзарси англаниб, турли шакл ва мазмунда лингвистик воситалар ёрдамида ифодаланган. Олам манзарасини таъриф ва тавсифлашдаги муҳим ифодалардан бўлган қиёслаш ҳам инсон ақлий фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Шу боисдан қиёслашга тафаккур маҳсули сифатида қаралади. Демак, қиёслаш тафаккур жараёни бўлиб, у объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўхшашлиги ва фарқини аниқлайди[3]. Қиёслашнинг вужудга келишидаги асосий омиллар нарсаларни англашдан иборат. Предмет, нарса-ҳодисаларга хос белгиларни аниқлаш ва уни бошқа предметлардаги белгиларга солиштириш мантиқий мушоҳадани талаб қиладиган жараён. Кўринадики, қиёслаш инсон мантиқий тафаккурининг маҳсули, у дунёни оддий англаш асосида эмас, балки оламни ундаги мавжудликни англаш, идрок этиш натижасида пайдо бўлади. Психологлар тафаккурни идрок, хотира, хаёл ва нутқ билан боғлиқлигини қайд этар экан, тафаккур учун керакли образли материал хотирадан, фантазиядан олинадиган хаёл образлари эканлигини таъкидлайди[4]. Ана шундай нарса-ҳодисалар ҳақидаги образли тасаввурларни натижаси сифатида қиёслаш вужудга келган. Қиёслаш нарса-ҳодисаларнинг муҳим белгиларини таърифловчи энг қадимий усуллардан бири.

Қиёслаш кўп аспектли ҳодиса бўлиб, у психология, фалсафа, мантиқ, диншунослик каби фанлар томонидан ўрганиб келинган. Психологияда тафаккур оператив жараён ҳисобланиб, таққослаш тафаккурнинг муҳим тури сифатида ажратилган[5]. Психологик нуқтаи назардан таққослаш фикр қилиш жараёни бўлиб, идрок қилинган нарсанинг ўхшашлиги ёки тафовутни аниқлаш учун ёки сезги ва идрокда бевосита акс этмаган ўхшашлик ва тафовутни аниқлаш лозим бўлганда вужудга келади. Психологияда таққослашнинг амалий таққослаш, яъни сезги органларимиз орқали англанган, билинган нарсаларни таққослаш, шунингдек, тасаввур қилинаётган ёки ўйланган нарсаларни фикран солиштириш каби турлари ажратилган[6].

Таққослаш бир-бирига ўхшаш нарсаларнинг, шунингдек, бир-биридан фарқланадиган нарсалардаги ўхшашликларни топиш, мавжудликни чуқурроқ ва аниқроқ билишдаги қобилият деб баҳоланган. Дарҳақиқат, қиёслаш усули мураккаб жараён бўлиб, унда бир-бири билан муайян белги асосида ўхшаш ва фарқли хусусиятларга эга бўлган бир хилдаги нарса-ҳодисалар, шунингдек, турли хилдаги нарса-ҳодисалар қиёсланганидек, предметларга хос бўлмаган тасаввурдаги қиёслар, шунингдек, образли қиёслар ҳам мавжуд. Шунга кўра қиёслар оддий қиёслаш ва образли қиёслаш шаклларида намоён бўладиган оламдаги нарса-предметларни батафсил тасвирлаш усулидир.

Пхисологияда қиёслаш (таққослаш) ақлий операция ҳисобланиб, у нарсалар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқни, тенглик ва тенгсизликни, бир хиллик ва қарама-қаршиликни ифодалаши қайд қилинади ва нарсалардаги қиёсланадиган белгиларнинг дастлаб сезгиларда ва идрокда акс этиши кўрсатиб ўтилади[7].

Билим фалсафий нуқтаи назардан борликдаги нарса-ҳодисаларни изчил боғланганлиги, алоқадорлиги ҳукм, тушунча ва хулоса чиқариш асосида ифодаланишидир[8]. Қиёслаш ана шундай мантиқий хулоса чиқаришнинг натижаси сифатида майдонга келади. Қиёслашнинг асоси фалсафанинг умумийлик категориясидир. Нарса ва ҳодисаларга хос бўлган ўхшаш бир хил белги ва хусусиятлар бирлиги умумийликдир[9]. Предмет, нарса-ҳодисалар ўртасидаги умумий белги асосида улар қиёсланади. Агар бир предметдаги

[1] Nazarov Q. va b. Falsafa asoslari. O‘quv qo‘llanma. Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2018. – B. 142.

[2] Ivanov P., Zufarov M. Umumiy psixologiya. – Toshkent: O‘zbekiston faylasuflar milliy jamiyati, 2008. – Б. 186.

[3] Ғозиев Э. Психология. Дарслик. – Тошкент, 2008. – Б. 257.

[4] Ivanov P., Zufarov M. Ko‘rsatilgan asar. – B. 216-217.

[5] Ivanov P., Zufarov M. Ko‘rsatilgan asar. – B. 189.

[6] Ivanov P., Zufarov M. Ko‘rsatilgan asar. – B. 190.

[7] Ivanov P., Zufarov M. Ko‘rsatilgan asar. – B. 189.

[8] Фалсафа. Ўқув қўлланма. Э.Юсупов таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 412.

[9] Шу асар. – Б.202.

муайян белги яна бошқа бир предметда бўлмаса, улар қиёс қилинмайди. Зеро, қиёслашдан мақсад предметларга хос муайян белгининг бошқасида иккинчисига нисбатан қай даражада эканлигини кўрсатишдир. Дунёни билишда, ундаги мавжуд нарсаларнинг хусусиятларини англашда уларни бир-бирига солиштириш, мавжуд белгиларни таққослашнинг муҳим аҳамияти борлиги фанда эътироф этилган ҳақиқатдир. Шу усул орқали инсон нарса, предметларнинг ўзига хос муҳим жиҳатларини англайди ва уни таърифлайди. Бу ҳолатнинг қиёслаш асосида вужудга келиши қиёснинг оламни билиш жараёнида муҳим ўрни борлигидан далолат беради. Қиёслаш фалсафий нуқтаи назардан моҳиятдир. Қиёслаш орқали бирор жиҳатидан ўзаро алоқадорликда бўлган нарса, ҳодисалар солиштирилади. Предметлардаги бирор белги қиёсланар экан уни предметдаги энг муҳим белгиси назарда тутилади ва қиёслаш учун асос эканлигига таянилади. Объектив борлиқ мантиқий асосда ҳис этилмаса предмет, нарса-ҳодисаларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини билишга эришиб бўлмайди. Қиёслаш эса объектив борлиқни мантиқий мушоҳада асосида таърифлаб берувчи воситадир. Чунки қиёс ҳиссий билимлар билан бирга тасаввур қилиш ва мантиқий хулоса чиқариш натижасида вужудга келади. Шу боисдан мантиқий асос бўладиган белгини предметларни бир-биридан фарқловчи бир-бирига ўхшашлигини ифодаловчи муҳим хусусият эканлигини эътироф этади[1]. Предметларга хос мавжуд белгилар қиёслашнинг асосидир. Маълумки, ҳар бир предмет бир неча белгиларга эга бўлиб, ушбу белгиларнинг бирортаси бошқа предметдаги шундай белги билан мос келади ва турли тушунчаларнинг вужудга келиши учун замин яратади. Предметларнинг муайян белгиси асосида қиёсланиши натижасида инсон белгининг ўхшашлиги, ноўхшашлиги қиёсланаётган предметларда муайян белгининг бир хилда эмаслиги кабиларни англайди. Шу боисдан мантиқ фани тушунчани предмет ва ҳодисанинг умумий ва муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шакли сифатида талқин қилинади[2].

Белгилар предметларни бир-биридан фарқловчи ёки бир хиллигини кўрсатувчи жиҳатлари бўлиб, у ҳиссий билинганларни идрок этиш орқали тушунча сифатида англанади. Бу жараёнда турли мантиқий усуллардан фойдаланилади. Қиёслаш шундай усуллардан биридир. Қиёслаш тушуниш ва тафаккур қилишнинг асоси ҳисобланади. Қиёслашсиз олам манзарасини аслидагидек тасаввур қилиш қийин. Бироқ барча нарса-ҳодисалар ўзаро қиёсланавермайди. Қиёслаш идрокий билиш натижасида вужудга келади. Шунга кўра қиёслашнинг икки йўл билан вужудга келишини қайд қилиш мумкин:

1. Ҳиссий билиш (амалий) орқали вужудга келадиган қиёслар.

2. Идрокий билиш (назарий) хулосалар чиқариш орқали вужудга келадиган қиёслар.

Ҳиссий билиш орқали вужудга келадиган қиёслар предметлардаги қиёслаш мумкин бўлган белгиларнинг сезги органлари асосида англаниш билан боғлиқ. Инсон ўзини ўраб турган нарсаларнинг хусусиятларини дастлаб сезги аъзолари орқали англайди. Бироқ муайян предметга хос белгининг бошқасида қай даражада эканлигини англаш ва ифодалаш тафаккур қилишни тақозо этади. Масалан, *Само артилган чиннидай тиниқ, юлдузлар чарақлаб турур.* (О.Ёқубов. “Улуғбек хазинаси”) гапидаги *осмоннинг тиниқлиги* ва *чинни идишнинг тиниқлиги* сезги аъзолар орқали англанадиган белгилар бўлса-да, уларнинг бир-бири билан қиёсланиши тафаккур билан боғлиқ. Чунки қиёслаш ҳамма вақт ҳам бир турдаги предметлардаги фарқланувчи ўхшовчи белгиларга асосланган ҳолда вужудга келмайди. Қиёсланаётган предмет ва ундаги белгилар фарқланиши бир турдаги предмет, нарса-ҳодисалар доирасида мавжуд бўлса, бу қиёсланишнинг оддий усулидир. Масалан, *Бўйи Маҳкамникидан пастроқ, лекин чорпахил, шунинг учун Маҳкамдан кўра йирикка ўхшайди..* (П.Қодиров. “Уч илдиз”) гапида бир турдаги, яъни шахслар қиёсланган бўлиб, кўриш аъзоси орқали белгининг турличалиги ифодаланган.

Ҳиссий билинганларни мушоҳада қилиш асосида солиштириш идрокий қиёслашга олаб келади. Масалан, *Қиз шу файзсиз чўлда очилган танҳо лоладек, ўзини кўз-кўз қилиб борарди.* (С.Аҳмад. “Уфқ”) гапидаги қизнинг лолага қиёсланиши идрокий қиёс бўлиб, предметлар орасида сезги аъзолари орқали англанмаган, балки мантиқий мушоҳадали, тафаккур қилинган қиёслашдир. Қиёслаш предметнинг муҳим жиҳатларини белги сифатида ажратган ҳолда бошқа предметдаги шундай белгига мослиги, фарқли хусусиятлари, предметдаги мавжуд белгининг миқдор ва кўлам жиҳатларини аниқлашга қаратилган тафаккур тарзидир. Предметлар муайян белгиларга асосланган ҳолда қиёсланганда, дастлаб улардаги умумийлик ва фарқли жиҳатлар ажратилади. Қиёслашнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, у англанган, идрок этилган оламнинг образли, таъсирчан ифодалаш усулларидан ҳисобланади.

[1] Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. – Тошкент, 2001. – Б. 71.

[2] Шу асар. – Б. 71.

Гарчанд, предметлардаги белги оддий бўлиб, у барча томонидан англанадиган белги бўлса ҳам, иккита бир-бири билан турдош ёки турдош бўлмаган предметга муайян белгининг мавжудлигини идрок этиш, уларнинг фарқли ва ўхшаш хусусиятларини солиштириш асосида тавсифлаш жараёнининг ўзи таъсирчанликни вужудга келтиради. Кўринадики, қиёслаш орқали вужудга келадиган ифодалар ҳар қандай ҳолатда ҳам фикрни образли ифодалашга қаратилган бўлади. Чунки қиёслаш асосида фикрлаш ва уни баён этишда кишининг тафаккур дунёси билан ижодкорлик фаолияти уйғунлашиб кетади. Зеро, қиёслаш кундалик мулоқотдаги оддий фикр ифодалаш тарзида эмас, балки нарса, ҳодисалардаги белгиларни образли тасаввур қилиш асосида ҳам вужудга келадики, қиёслашнинг бундай шакллари бадиий матнларда бадиий-образлиликни кучайтирувчи воситага айланади.

Қиёслашнинг яна бир муҳим жиҳати уни мулоқотда фикр ифодалашнинг муҳим усули сифатида доимий қўлланилишда бўлишидир. Инсон фикр ифодалашнинг дастлабки жараёнларидан бошлаб қиёслашдан фойдаланганлиги манбаларда қайд қилиб ўтилган. Проф. Н.Маҳмудов қиёслаш, таққослаш ташқи дунёни билишнинг энг кенг тарқалган мантиқий усулларидан бири эканлигини, унинг инсон фаолиятининг барча саҳоларида кузатилишини таъкидлаб ўтган[1]. Зеро, қиёслаш инсон нутқий фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этади. Инсон ўзини ўраб турган оламни таъриф ва тавсиф қилмаслиги мумкин эмас. Оламдаги барча нарса қиёслаш учун мумкин бўладиган белги-хусусиятларга эга. Демак, инсоннинг нутқий фаолиятини ҳам қиёслашсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қиёслаш индивидуал ҳодиса. У муайян шахс томонидан унинг тафаккур тарзининг маҳсули сифатида намоён бўлади. Ҳатто оддий сезги аъзолар орқали англанган нарсаларнинг ҳам фарқли ва ўхшаш белгиларини солиштириш, баҳолаш барчанинг ҳам ҳаёлига келавермайди. Ҳар бир шахснинг дунёни кузатиши, уни таъриф ва тавсифлаши индивидуал томони бўлиб, тил воситаларидан фойдаланишдаги маҳорати орқали намоён бўлади.

Кимдир тилдан оддий алоқа аралашув воситаси сифатида оламдаги нарса-ҳодисаларни номлашда фойдаланса, яна бошқалар тилнинг таъсирчанлигини намоён қилиш учун ҳам фойдаланади. Хуллас, тилнинг яратилишидан тортиб, унинг ифода қуроли вазифасини бажаришгача бўлган жараён инсон билан боғлиқ бўлиб, инсон тилни оламни номлаш ва уни образли ифодалаш хусусиятларини намоён этиш даражасини таъминлашигача олиб келган. Қиёслаш ҳам моҳиятан ана шундай кўп вазифали ифода усули бўлиб, инсоннинг тил воситаларидан фойдаланиш маҳоратини, оламни изоҳлашдаги топқирлигини кўрсатувчи ифода усули, шунга кўра, қиёслашга нутқий ҳодиса сифатида ёндашиб, унинг нутқий жараёндаги ўрнини баҳолаш тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Rezyume. The article analyzes the fact that comparison is a product of human way of thinking, the role of this expression in the understanding of the world view and its manifestation through language.

Резюме. В статье анализируется тот факт, что сравнение является продуктом человеческого мышления, роль данного выражения в понимании картины мира и её проявления посредством языка.

[1] Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. – №3. – Б. 19.